

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУРОДОВА ДИЛОРМ СУБХОНОВНА

**СУПРАТЕНТОРИАЛ БОШ МИЯ ЎСМАЛАРИДА КОМПЛЕКС
ТАШХИСОТ УСУЛЛАРИ ВА ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТИ БИЛАН
ДАВОЛАШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертаци доктора философии (PhD)
Content of the abstract of dissertation doctor of philosophy (PhD)

Муродова Дилором Субхоновна Супратенториал бош мия ўсмаларида комплекс таъхисот усуллари ва жаррохлик амалиёти билан даволаш.....	3
Муродова Дилором Субхоновна Комплекс методов диагностики и хирургическое лечение опухолей головного мозга супратенториальной локализации.....	23
Murodova Dilorom Subhonovna The complex methods of diagnosis and surgical treatment of brain tumors supratentorial localisation.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУРОДОВА ДИЛОРМ СУБХОНОВНА

**СУПРАТЕНТОРИАЛ БОШ МИЯ ЎСМАЛАРИДА КОМПЛЕКС
ТАШХИСОТ УСУЛЛАРИ ВА ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТИ БИЛАН
ДАВОЛАШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib124 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирган илмий-амалий тиббиёт нейрохирургия марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедиев Махмуд Мансурович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Худойбердиев Кобил Турсунович
тиббиёт фанлари доктори

Агзамов Мансур Камолович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

В.А. Алмазов номли Миллий тиббиёт тадқиқот маркази қошидаги А.Л. Поленов номли нейрохирургия илмий текшириш институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ ((PhD) фалсафа диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Бош мия ўсмалари (БМЎ) замонавий клиник нейрохирургиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу патология меҳнатга лаёқатли ёшда кўпроқ учраб, ногиронликка ва хатто ўлимга сабаб бўлмоқда. Хозирги вақтда БМЎнинг сони кескин ўсиб бормоқда ва охириги 30 йиллар давомида уларнинг ўртача кўрсаткичи 1,5 баробар ошган, «ҳар йили 100000 аҳолига нисбатан 6-17 ходиса қайд этилмоқда»¹. Ёмон сифатли ўсмалар прогнози жиддий бўлиб, «беморларнинг ўртача ҳаёти давомийлиги ўртача 14 ойни ташкил этади»².

Бугунги кунда дунёда БМЎни даволашда нейронавигация, микроскопик ассистенция, ўсмалар чегараларини флюоресцент визуализация қилиш, ўсмалар ўрнини кимёвий препаратлар билан тўлдириш каби хирургик технологиялар интенсив ривожланмоқда. Беморларнинг функционал статусини сақлаган ҳолда ўсмаларни радикал олиб ташлаш хирургик интервенцияси, интраоперацион нейрофизиологик назорат остида миниинвазив ва стереотаксис даволаш усуллари такомиллаштирилган. МСКТ, МРТ, ДТ-трактография каби нейровизуализацион диагностика усулларида кенг фойдаланиш бош мия пўстлоқ қисмининг функционал муҳим зоналари ва нерв ўтказувчан толаларига нисбатан ўсмаларнинг топографиясини операциядан олдинги даврда аниқлаш усуллари яратилган. БМЎ туфайли келиб чиққан перифокал ўзгаришларни аниқлаш мақсадида диффузион ва фаза-контрастли МРТ ёрдамида координатанинг 3-DTI тизимини мустахкамловчи интерфаол навигация замонавий усули ишлаб чиқилган. Шунга қарамай, БМЎни эрта ташхислаш ва операциядан кейинги асоратлар хавфи омилларини аниқлаш каби долзарб муаммо замонавий нейровизуализация усуллари маълумотларига кўра хирургик даволаш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда БМЎни комплекс ташхислаш ва хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар ўтказилган, жумладан эндоваскуляр клипплаш, ўсмаларни трансанал ва трансфеноидал ёндашув орқали олиб ташлаш, асоратланган окклюзион гидроцефалияларни эндоскопик усул ёрдамида даволаш йўлга қўйилган. Харакат функцияларини сақлаб қолиш, неврологик бузилиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган интраоперацион нейрофизиологик тадқиқотлар ўтказилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида «аҳолига сифатли тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлом ҳаёт шакллантириш»³ вазифалари белгиланган. Бу борада БМЎ бўлган

¹ Борисейко А.В. Глиальные опухоли головного мозга: Обзор литературы и перспективы лечения // Медицинские новости, 2018. - № 1. - С. 8-13.

² Jemal A., Murray T., Samuels A., Ghafoor A. Cancer statistics //CA Cancer J. Clin., 2003.-Vol.53.-N10.-pp. 5–26.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, эрта даврда ташхислаш ва хирургик даволашнинг янги усуллари такомиллаштириш ёрдамида даволаш натижаларини яхшилаш, асоратларни камайтириш ва беморлар саломатлигини мустахкамлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февридаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2866-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига онкологик хизматни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Нейровизуализация турли усуллари сизиларли ривожланишига қарамасдан, БМЎнинг эрта ташхиси, уларнинг давоси муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда ва у нейроонкологиянинг энг мураккаб, ижтимоий зарур, шу билан бирга охиригача ҳал этилмаган масалаларидан бири эканини кўрсатмоқда. Жаррохлик хоналарини замонавий техник жихозлар билан таъминланишига ва жаррохлик техникасини яхшиланишига қарамасдан, мия ичи ўсмалари бўлган беморларни даволашнинг узоқ натижалари қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Жаррохлик амалиётидан кейин бу беморларнинг ўртача ҳаёт давомийлиги, кимё- ва нур терапияси ёрдамида, 40-60 ҳафтани ташкил қилмоқда (14 ой - мультиформ глиобластома учун, 25 ой - анапластик астроцитомга учун). БМЎ сабабли ўлимнинг ўртача кўрсаткичи йилига 100 минг аҳолига 11,8ни ташкил қилади ва у ёмон сифатли ўсмалар оқибатидаги ўлим сабаблари ичида 6-7 ўринни эгаллайди (Catherine L. et al., 2003; Kinoshita M., 2012; Kazunori O., 2018). Бошқа муаммоли савол – бу тиббий-ижтимоий изланишларнинг йўқлиги, хусусан, ҳаёт сифатини (ҲС) ёш-жинс меъёрларини аниқлаш; бу кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни аниқлаш; ҳаёт сифатини регионал хусусиятларини аниқлаш; бемор ҳолатини баҳолаш кўрсаткичи сифатида ҲС имкониятларини қўллашни ўрганиш (Новик А.А., Ионова Т.И., 2007; Новик А.А., Одинак М.М., 2008). ҲС кўрсаткичининг имкониятлари, даволаш-соғломлаштириш тадбирлари самарасини баҳолаш мезонлари сифатида фақат клиник изланишлар билан чекланган (Розуменко В.Д, Хорошун А.П., 2007). Ташхис усуллари чекланганлиги ва комплекс даволашнинг мураккаблиги супратенториал БМЎни даволашнинг самарали, хавфсиз, ҳаммабоп ташхис ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигидан ва мақсадга мувофиқлигидан далолат бермоқда (Алиходжаева

Г.А. 2006, Ашрапов Ж.Р., 2018; Гайваронский В.Н., 2007). Даволаш натижалари, ўсма хажми ва радикалиги орасидаги боғлиқлик, даволашни адекват режалаштириш ва бемор ҲСни башоратлаш борасидаги маълумотлар турлича (Бродская З.Л., 2002; Главацкий А.Я., 2006). Супратенториал БМЎ бўлган беморларда жаррохлик амалиёти даврида функционал муҳим марказларни ва бош мия оқ моддасини ўтказиш йўллари ни максимал сақлашга йўналтирилган жаррохлик амалиётига режалаштириш, ҳамда жаррохлик амалиётининг радикалиги даражаси, бу беморларнинг кейинги тақдир ва ҲС ушбу муаммонинг ҳозирги вақтгача долзарб эканини тасдиқлайди (Bello L. et al., 2010; Коновалов В.Н., 2014; Короткевич Е.А., Ашуrow P.Г., 2015).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий текшириш муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-текшириш ишлари режасига мувофиқ (2015-2017 йй.) АДСС 15.8.3.-сон «Бош мия ўсмаларини ташхислашнинг комплекс усуллари ва уларни хирургик даволаш» номли илмий-амалий лойиҳаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: диффузион-тензор(ДТ)-трактография ва бош мия ўтказиш йўллари ни ИМ маълумотлари асосида супратенториал БМЎни жаррохлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

операциягача бўлган даврда оптимал хирургик ёндашиш усулини режалаштириш мақсадида супратенториал БМЎ ва бош мия ўтказиш йўллари жароҳатларини топографик ташхислашда ДТ-трактография имкониятларини аниқлаш;

ДТ-трактография ва ўсмани олиб ташлаш радикалигини интраоперацион мониторинг ўтказиш асосида интерференцион электромиография (ЭМГ) орқали супратенториал БМЎни ташхислаш ва жаррохлик тактикасини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

супратенториал БМЎ бўлган беморларда неврологик ўзгаришларнинг сезиларлилиги клиник балл шкаласини ишлаб чиқиш ва унинг асосида ўзгаришларни даволаш динамикасида баҳолаш, уни Карновскийнинг беморлар ҲС шкаласи билан таққослаш ҳамда ўсма хажми билан корреляцион таҳлил қилиш;

жаррохлик амалиётидан кейин динамикада неврологик ўзгаришларнинг сезиларлилигини клиник балл шкаласи ва беморлар ҲСни баҳолаш асосида супратенториал БМЎни жаррохлик даволаш натижаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011-2016 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида супратенториал БМЎ билан даволанган 124 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети Супратенториал БМЎ бўлган беморларни комплекс клиник-неврологик ва клиник-радиологик статусини баҳолаш маълумотлари олинди.

Тадқиқот усуллари. Беморларни ташхислаш ва даволаш жараёнида умумий клиник, клиник-неврологик, нур (компьютер-томографик, магнит-резонанс), нейрофизиологик ташхис усуллари, клиник балл шкалалар (Карновскийнинг онкологик беморлар ҲСни баҳолаш шкаласи, неврологик ўзгаришлар оғирлигини баҳоловчи оригинал клиник балл шкаласи), ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

супратенториал БМЎ бўлган беморларда операциягача бўлган даврни режалаштириш учун ДТ-трактография ёрдамида ўсманинг нафақат чегаралари, балки бош мия ўтказиш йўллари деструкция худудларини кўриш имкониятини ҳам берувчи оптимал хирургик услубини танлашга дифференциал ёндашув асосланган;

бош мия ҳаракат йўллари жароҳатини камайтиришга ва жарроҳлик амалиёти радикаллигини оширишга имкон берувчи ЭМГ ва интраоперацион мониторинг ўтказилган ҳолда супратенториал ўсмаларни топографик ташхислаш ва рационал олиб ташлаш бўйича жарроҳлик тактикасини дифференциал танлаш кўрсатмалари оптималлаштирилган;

супратенториал БМЎ бўлган беморларда неврологик ўзгаришлар оғирлигини баҳолашнинг клиник балл шкаласи ишлаб чиқилган;

ҳаракат йўллари ИМ ва ДТ-трактографияни бирга қўллаш беморларда операциядан кейинги даврдаги неврологик ўзгаришлар оғирлигининг ишонарли пасайишига ва беморлар ҲСни яхшиланишга ёрдам бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

операциядан олдинги даврда ДТ-трактографияни қўллаш нафақат ўсма чегараларини, балки бош мия ўтказувчан нерв йўлларининг деструкция худудларини деталли визуализация қилиш ва операцион ҳаракат ўқини (атака бурчагини) танлаш имкониятини бериши аниқланган;

супратенториал БМЎда ҳаракат нерв йўллари ўзгаришларини ИМини интерференцион ЭМГ ёрдамида ўтказиш ўсма атрофида сақланиб қолган бош мия ўтказувчан нерв йўллари жароҳатини олдини олиш, шу билан бирга олиб ташланаётган ўсма хажмини самарали назорат қилиш имконини бериши исботланган;

БМЎ бўлган беморларни даволаш даврида неврологик ўзгаришларнинг оғирлик даражасини интеграл миқдорий баҳолаш ҳамда турли даволаш усуллари самарадорлигини таққослама таҳлил қилиш имконини берувчи ишлаб чиқилган клиник кўрсаткич – нейроцереброиндекс таклиф этилган;

супратенториал БМЎни олиб ташлаш радикаллигини ишончли равишда ошириш имконини берувчи хирургик тактика танлаш алгоритми тавсия этилган.

Олинган натижаларнинг ишонарлилиги объектив клиник, неврологик, диагностик (МСКТ, МРТ, ДТ-трактография) текширув маълумотлари ва уларнинг статистик таҳлили натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот илмий аҳамияти ДТ-трактография усулининг супратенториал ўсмалар топографиясини ва бош мия оқ моддасининг ўтказувчан нерв йўллари ҳолатини ҳамда операцион ҳаракат ўқи (атака бурчаги)ни аниқлаш, оптимал жаррохлик тактикасини танлаш имконияти ва неврологик ўзгаришлар оғирлигини миқдорий баҳоловчи интеграл клиник-неврологик кўрсаткич ишлаб чиқилган.

Тадқиқот амалий аҳамияти супратенториал БМЎда интерференцион ЭМГ ёрдамида бажариладиган ИМ олиб ташланаётган ўсманинг резекция хажмини ва ўтказувчан нерв йўллариининг операцион жароҳатланишдан сақлаш имконини бериши асосланган, ҳамда неврологик ўзгаришлар даражасини белгиловчи клиник баллар шкаласи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Супратенториал БМЎ бўлган беморларда ташхислаш ва даволаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«Бош мия катта ярим шарлари ўсмалари жаррохлик амалиётида нейровизуализациянинг замонавий усуллари қўллаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябр 8н-д/185-сон маълумотномаси). Услубий тавсиялар супратенториал бош мия ўсмаларини ДТ-трактография қўлланган ҳолда интраоперацион мониторинг ўтказиш хирургик амалиётини аниқ ва хавфсиз равишда бажариш, шу билан бирга операция самарасини ва радикаллигини ошириш ҳамда неврологик дефицитнинг шаклланишини олдини олиш имконини берган;

супратенториал бош мия ўсмаларини ташхислаш ва хирургик даволаш тактикаси тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябр 8н-д/185-сон маълумотномаси). Ташхислаш ва даволашнинг босқичли тартиби олиб ташланаётган ўсманинг хажмини аниқлаш, хирургик ёндашувни танлаш, ташхислаш ва даволаш усулини танлаш имконини берган;

таклиф этилган диффузион-тензор трактография ва интраоперацион мониторинг ёрдамида бажариладиган нерв толаларининг ҳаракат йўллариини максимал сақлаш ва супратенториал бош мия ўсмаларини даволаш тактикаси тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябр 8н-д/185 маълумотномаси). Ушбу тактика даволаш самарадорлигини ошириш, реабилитация даврини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

супратенториал бош мия ўсмаларини ташхислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-сон клиникаси, Республика ихтисослаштирган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасига жорий

этилган(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/185-сон маълумотномаси). Натижада операциялар радикаллигини 39%га ошириш, неврологик ўзгаришларни 24%га камайтириш ва беморлар ҳаёти сифатини 9%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12та илмий-амалий анжуманларда, жумладан бта халқаро ва бта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация матни 115 бетда ёритилган бўлиб, у кириш, 5та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, қўлланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, изланишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети изохлаб берилган, изланишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мос келиши, изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, текшириш натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Супратенториал локализацияли бош мия ўсмаларида замонавий ташхис усулларининг афзалликлари»**да адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда супратенториал БМЎ муаммосининг клиник ва тиббий-ижтимоий аҳамияти, уларнинг шакли, нейровизуализациянинг замонавий усулларини қўллаб бажариладиган жаррохлик даволаш масалалари, жаррохлик тактикаси ва даволаш масалалари акс эттирилган. Дискуссияга оид ўрганиб чиқилиши керак бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар кўрсатилган.

«Материалнинг клиник-инструментал тавсифи ва текшириш усуллари» номли иккинчи бобида қўйилган масалаларнинг ечимини таъминловчи текшириш объектининг тавсифи ва усуллари берилган. Ишда 2011-2016 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида супратенториал БМЎ бўлган 124 нафар беморни даволашнинг клиник натижалари таҳлил қилинади. Барча беморлар икки гуруҳга ажратилган – асосий ва назорат. Асосий гуруҳни 61 нафар бемор ташкил қилди, уларга анъанавий текшириш усуллари қўшимча биз ишлаб чиққан икки босқичли жаррохлик тактикаси қўлланилди. Биринчи босқичда жаррохлик амалиётигача режалаштиришда комплекс диагностик текшириш ДТ-трактография билан тўлдирилди, у бош мия ўтказувчан нерв йўллари

кўриш имконини берди. Иккинчи босқичда жаррохлик амалиёти вақтида бош мия ўтказувчан нерв йўллари шикастини олдини олиш ва ўсма чегараларини аниқ баҳолаш учун интерференцион ЭМГ ёрдамида ИМни қўлладик. Назорат гуруҳига 63 нафар бемор киритилди, уларда ташхиснинг анъанавий текшириш, нейровизуализация усуллари қўлланилди, (МСКТ, МРТ) ва ўсмани жаррохлик йўли билан олиб ташлаш.

Беморлар ёши 16дан 68 ёшгача, ўртача $43,6 \pm 1,8$ ёш. 124 нафар бемордан эркаклар 66 нафар ($46,0\% \pm 4,5\%$), аёллар – 58 нафар ($54,0\% \pm 4,5\%$). Беморлар ёши ва жинсига кўра гуруҳлар орасида статистик ишонарли фарқ бўлмади.

Беморлар умумқабул қилинган тамойилларга асосан текширилди, беморлар ҳаёти сифати Карновский шкаласи бўйича баҳоланди, ўчоқли симптомлар ифодаланиш даражаси текширилди; нейроофтальмологик, отоневрологик, психиатрик текширишлар бажарилди.

3DTI-режимли МРТ ДТ-трактографияси билан GE «Signa» HD/E 1,5T (АҚШ) ва «MagnetomOpenViva» (Германия) ускуналарида асосий гуруҳнинг барча беморларига жаррохлик амалиётидан олдин ва кейин бажарилди.

Барча жаррохлик амалиётлари «Option Contravers» (Karl Zeiss, Германия) микроскопик ассистенцияси орқали бажарилди. Асосий гуруҳда ИМ интерференцион ЭМГ усули ёрдамида бажарилди. Интерференция ўсмани олиб ташлаш вақтида бош миянинг тегишли соҳасини кўзғатиш орқали чақирилди. ЭМГ чақирилган потенциалларни регистрация қилиш игнали электродларни *m. biceps brachii*, *m. quadriceps brachii*, *m. quadriceps femoris*да гетеролатерал томонда қўллаб, «Нейротех» (Россия) дастур таъминоти бўлган Synapsis компьютерлаштирилган тизим ёрдамида амалга оширилди, бунда у эгриларни ўртача намуналарга келтириб, автоматик ҳисоблаб берди.

Барча беморларда касалхонага келганда ва чиққанда уларнинг ҳаёт сифати онкологик беморларда қўлланиладиган Карновский шкаласи бўйича баҳоланди. Шунингдек неврологик ўзгаришларнинг ифодаланиши биз ишлаб чиққан нейроцереброиндекс кўрсаткичи ёрдамида оригинал баҳолаш шкаласи бўйича касалхонага келганда, жаррохлик амалиётидан кейинги эрта даврда (жаррохлик амалиётидан кейинги 3-5 сутка) ва касалхонадан чиқиш вақтида баҳоланди.

Ташхис тизимларини, Карновский шкаласи ва ишлаб чиқилган нейроцереброиндекс кўрсаткичи билан бирга таққослама баҳолаш учун бир неча методоголик ёндашишлардан фойдаландик. Балл шкалаларининг ташхис кенглигини бошланғич баҳолаш текширилган беморларнинг барчасида кўрсаткичнинг минимал ва максимал миқдорларини таққослаш орқали бажарилди: минимакс индекс, нисбий дельта ва вариация коэффиценти.

Минимакс индекс минимал ва максимал миқдорларни вариацион қаторда тарқалганлигини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{МинМакс} = (\text{Max} - \text{Min}) / \text{Max} * 100\% \quad (1), \quad \text{бунда}$$

МинМакс – касалхонага келганда текширилаётган кўрсаткичнинг минимакс индекси;

Мах – барча гуруҳдаги беморларда текширилаётган кўрсаткичнинг максимал миқдори;

Мин – барча гуруҳдаги беморларда текширилаётган кўрсаткичнинг минимал миқдори;

МинМакснинг юқори миқдорлари катта ташхис кенглигини ифодалайди ва патологик жараённинг динамикасини баҳолашда юқори ташхис аҳамиятига эга.

Нисбий дельта кўрсаткичини қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$\text{Нисб.}D = (\text{Келг.} - \text{Кетг}) / \text{Келг} * 100\% \quad (2), \quad \text{бунда}$$

Нисб.Д – нисбий дельта кўрсаткичи; Келг – изланаётган кўрсаткичнинг бемор келган вақтдаги миқдори; Кетг – изланаётган кўрсаткичнинг бемор кетган вақтдаги миқдори.

Нисбий дельтанинг юқори кўрсаткичлари ташхис кенглигининг юқори миқдорларини кўрсатиб, патологик жараённинг динамикасини баҳолашда юқори ташхис аҳамиятига эга.

Вариация коэффиценти статистик кўрсаткичи кўрсаткич миқдорларининг тарқалганлик даражасини ифодалаб, қуйидаги формула бўйича топилади:

$$V = S / M * 100\% = \frac{\sqrt{D}}{M} * 100\% \quad (3),$$

бунда V – вариация қатори коэффиценти;

S – вариацион қаторнинг ўртача квадратик оғиши;


D – вариацион қатор дисперсияси;

M – вариацион қатор ўртача сони.

Вариация коэффиценти миқдорининг юқори кўрсаткичлари кўрсаткич ташхис кенглиги юқорилигидан далолат беради, уни амалда қўллашни енгиллаштиради ва аниқ баҳони яхшилади. Олинган натижалар статистик таҳлилининг умумқабул қилинган вариацион қатор ва Стьюдент мезонлари ёрдамида нисбий кўрсаткичлар таҳлили усулларини қўллаб бажарилди. Корреляцион боғланишлар Пирсон корреляцияси коэффицентини ҳисоблаш ёрдамида баҳоланди. Барча ҳисоблар MS Excel электрон жадвалларида статистик таҳлил функциясини қўллаб бажарилди.


Диссертациянинг «**Бош мия супратенториал ўсмаларида жаррохлик тактикасини ишлаб чиқиш**» номли учинчи бобида касалликнинг клиник-неврологик ва нейровизуализацион кўринишларининг таҳлил натижалари келтирилган. Супратенториал БМЎнинг клиник кўриниши носпецифик бўлди, кўпинча умуммия ва ўчоқли симптоматикалар аниқланди: бош оғриғи 111 та (89,5%), ўчоқли симптомлар (оёқ-қўл парезлари, сезишнинг ўзгариши) 89 та (71,8%), эпитутқаноклар 82 та (66,1%), қусиш 65 та (52,4%), бош айланиши 72

та (58,1%), бош мия нервларининг шикастланиши 59 та (47,6%), рухий ўзгаришлар 39 та (31,5%). Клиник кўринишнинг ёрқин эмаслиги беморлар тиббий ёрдамга анча кеч мурожаат қилишларига ва текширилган беморларнинг 83 та (66,9%)да хавфли ўсмалар ривожланишига сабаб бўлди. БМУни ташхислашда етакчи усуллар нейровизуализациянинг - бош мия ДТ-трактографияси билан МРТ бўлди (1-расм). Нейровизуализациянинг ушбу юқори аниқликда ишловчи усулларининг пайдо бўлиши нафақат аниқ ташхис қўйишга, балки кўпчилик ҳолларда тахминий гистологик ташхис қўйишга, касаллик натижасини башоратлашга ва даволаш тактикасини аниқлашга имкон беради.



1-расм. Трактографик карталар нормада

ДТ-трактографиянинг бош мия визуализацияси имкониятлари нафақат ўсма атроф чегараларига топик нисбатини аниқлашни, балки оптимал жаррохлик ҳаракати ўқини ва жаррохлик ёндашишни танлаш имконини беради. Орттирилган тажриба оптимал жаррохлик ёндашишни танлаш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берди (2-расм).



2-расм. Бемор Ш.С., 45 ёш. Клиник ташхис: Бош мия чап тепа соҳа ўсмаси.

Ушбу расмда келтирилган ДТ-трактографияда чап пешона-кўприк йўли толалари кўринмайди, кичик пешона қисқичларининг тўлиқ узилиши

кузатилади ва чап проекцион трактнинг олдинги юқори шохчаси толалари кўринмайди.

Алгоритм ишлаб чиқишда терини кесиш ва мия чаноғи трепанацияси хусусиятларига кўра хирургик ёндашиш оптимизацияси учун 5 худуд ажратилди: 1 - пешона соҳаси, олд-ён локализация; 2 - пешона соҳаси, медиал қисм; 3 - тепа соҳаси; 4 - чакка соҳаси; 5 - энса соҳаси. Жаррохлик ёндашишни танлашда ўсма ўлчами ва унинг ўсиш хусусияти ҳам ҳисобга олинди (миядан ташқари, мия ичи) (3 а,б,в,г,д - расм).

№ п/п	Данные ДТ-трактографии – вид роста опухоли	Размер опухоли.	Хирургический доступ
1	Внеозговой рост Проводящие пути сдвинуты, отнесены медиально	До 5 см	Подковообразный или подковообразный кожный разрез переднебоковой лобной области, переднебоковая трепанация, трепанационное окно 6X6 см.
2		Более 5 см	Бифронтальный кожный разрез лобной области, переднебоковая трепанация, трепанационное окно 10X10 см
3	Внутриозговой рост Проводящие пути вовлечены в сторону опухоли, частично или полностью разрушены	До 5 см	Подковообразный кожный разрез передне-боковой лобной области, переднебоковая трепанация, транскортикальный доступ
4		Более 5 см	Подковообразный кожный разрез передне-боковой лобной области, переднебоковая трепанация, транскортикальный доступ

а

№ п/п	Данные ДТ-трактографии – вид роста опухоли	Хирургический доступ
1	Внеозговой рост Проводящие пути сдвинуты, отнесены медиально	Бифронтальный кожный разрез, бифронтальная трепанация, экстракортикальный доступ
2	Внутриозговой рост Проводящие пути вовлечены в сторону опухоли, частично или полностью разрушены	Бифронтальный кожный разрез, бифронтальная трепанация, транскортикальный доступ

б

№ п/п	Данные ДТ-трактографии – вид роста опухоли	Хирургический доступ
1	Внеозговой рост из ТМО или из зоны falx cerebri Проводящие пути сдвинуты, отнесены медиально	S-образный разрез кожи передняя трепанация, экстракортикальный доступ
2	Внутриозговой рост Проводящие пути вовлечены в сторону опухоли, частично или полностью разрушены	Подковообразный кожный разрез, передне-боковая трепанация, транскортикальный доступ

в

№ п/п	Данные ДТ-трактографии – вид роста опухоли	Хирургический доступ
1	Внеозговой рост из ТМО Проводящие пути сдвинуты, отнесены медиально	Подковообразный разрез кожи, височная трепанация, экстракортикальный доступ
2	Внутриозговой рост с инфильтративным ростом, в т.ч. с кистозным компонентом или опухоли без четких границ Проводящие пути вовлечены в сторону опухоли, частично или полностью разрушены	Подковообразный разрез кожи, височная трепанация, транскортикальный доступ

г


№ п/п	Данные ДТ-трактографии – вид роста опухоли	Хирургический доступ
1	Внеозговой рост из ТМО Проводящие пути сдвинуты, отнесены медиально	
2	Внутриозговой рост, с инфильтративным ростом, в т.ч. с кистозным компонентом или опухоли без четких границ Проводящие пути вовлечены в сторону опухоли, частично или полностью разрушены	Подковообразный или линейный разрез кожи (в зависимости от размера опухоли), затылочная трепанация, заднебоковой или задне-центральный, экстракортикальный или транскортикальный доступ

д

3 а,б,в,г,д – расм. Хирургик тактикани танлаш алгоритми


Ушбу алгоритм «Бош мия супратенториал ўсмаларини комплекс ташхислаш ва даволаш» номли дастури сифатида умумлаштирилди.

Операциягача режалаштириш босқичидан ташқари олиб ташланадиган ўсмани рационал хажмини аниқлашда интерференцион ЭМГ ёрдамида ИМни қўлладик. ЭМГ ёрдамида бош мия худудларининг механик таъсирланиши игнали электродлар орқали *m.biceps brachi*, *m.quadriceps brachi* и *m. quadriceps femoris*ларда қайд этилди (4-расм).




4-расм. Интраоперацион мониторинг

Бош мия ўтказувчан нерв йўллари ИМ қилиш даврида ўсмани олиб ташлашда патологик тўлқинлар ирритацияси белгилари қисқа муддатда кам даражада бир неча секундларда кузатилди, кейинчалик улар кузатилмади, бу ўз навбатида ўсмани тотал олиб ташлаш имконини берди (5-расм).



5-расм.ЭМГ амплитудалари декременти кўринишидаги ўтказиш йўллари ирритация симптомларининг мавжуд эмаслиги ва кам сонли патологик ўткир тўлқинлар

Бош мия ўтказувчан нерв йўллари орқага қайтувчи ўзгаришлари юз берувчи хавфсиз худудда ИМ белгилари 50 мкVгача, ирритатив тўлқинлар 100 мкVдан ортиқ кузатилди ва экспозиция вақти 3 минутдан ортиққа чўзилди, ўсмани олиб ташлаш субтотал ёки қисман бажарилди (6-расм).



6-расм. Бош мия ўтказувчан нерв йўллари ирритациясида патологик ўткир тўлқинлар

ИМ қўллаш ўсмани олиш вақтида ўзгармаган ўтказувчан йўллар мавжудлиги ёки йўқлигини назорат қилиш имконини берди, бу эса ўз навбатида уларнинг шикастланишини олдини олди.

Диссертациянинг «**Бош мия супратенториал ўсмалари бўлган беморларни постоперацион динамикаси ва неврологик ўзгаришларни баҳолаш**» номли тўртинчи бобида БМЎ бўлган беморларда неврологик ўзгаришларни баҳолаш ҳақидаги ишлаб чиқилган клиник балл шкаласи ҳақида маълумотлар келтирилган. Анъанавий тарзда онкологик беморларда беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш Карновский бўйича аниқланади. Лекин ушбу шкала носпецифик бўлиб, у фақат функционал ўзгаришлар ва асосий патологиянинг оғирлиги ҳақида бевосита далолат беради.

Клиник балл шкаласини (1-жадвал) ишлаб чиқишда қуйидаги тамойилларни қўладик: шкала физиологик ҳолатни эмас, балки патологияни баҳолаши керак; шкала 5дан кам ва 20дан ортиқ бўлмаган клиник кўрсаткичларни (симптомларни) ўз ичига олиши керак; ажратиб олинган кўрсаткичлар (симптомлар) умумклиник бўлиб, исталган малакали мутахассис томонидан баҳолаш учун осон бўлиши керак; кўрсаткичлар (симптомлар) рўйхатига ихтисослаштирилган клиника ва бўлимлар шароитида рўёбга чиқариб бўлмайдиган махсус текшириш усуллари маълумотлари киритилмаслиги керак; шкаланинг ҳар бир кўрсаткичи (симптоми) ифодаланиши баллар деб аталиб, 2дан кам ва 5дан ортиқ бўлмаган даражаларда (градацияларда) баҳоланиши зарур; умумий баҳо барча кўрсаткичлар бўйича йиғиндидан иборат бўлиб, балларнинг умумий йиғиндиси 10 ва 5 карралик бўлиши мақсадга мувофиқ (10, 15 ва ҳ.к.).

Таблица 1.

БМЎ бўлган беморларда неврологик ўзгаришларни баҳолаш бўйича клиник балл шкаласи–нейроцереброиндекс

1.	Рухий сфера	
	0 балл	Яққол ўзгаришлар йўқ
	1 балл	Хотиранинг бошланғич ўзгаришлари
	2 балл	Хотиранинг ўртача ўзгаришлари. Акалькулия (рақамларни таниб олиш ва балл олиш қобилиятининг бузилиши). Апраксия (мақсадли ҳаракатларнинг бузилиши ва элементар ҳаракатларнинг таркибий қисмларини сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатлар). Галлюцинациялар (кўрув, эшитув, ҳид сезиш ва ҳ.к.)
3 балл	Яққол психиканинг бузилиши, рухият дезинтеграцияси	
2.	Ҳаракат сфераси	
	0 балл	Яққол ўзгаришлар йўқ, мушакларнинг кучи 5 балл
	1 балл	Енгил ҳаракат бузилишлари: енгил гемипарез (мустақил юра олади), мушаклар кучи 4 балл
	2 балл	Ўрта даражадаги ҳаракат бузилишлари: ўрта гемипарез (мустақил юришга қийналган, хасса ёрдамида), мушаклар кучи 2-3 балл
	3 балл	Яққол ҳаракат бузилишлари: чуқур гемипарез, гемиплегия (мустақил юра олмайди), мушаклар кучи 0-1 балл
3.	Сезиш сфераси	
	0 балл	Ўзгаришлар йўқ

	1 балл	Парестезия
	2 балл	Гемигипестезия, астереогнозия
	3 балл	Гемианестезия, агнозия
4.	Нутқ сфераси	
	0 балл	Ўзгаришлар йўқ
	1 балл	Дисфазия (афазияни элементлари)
	2 балл	Мотор афазия (Бемор гапни тушунади, лекин гапираолмайди), сенсор афазия (гапни тушунмайди, лекин айрим гапларни гапира олади), амнестик афазия (нарсаларни номини айтишга қийналади). Алексия (гапларни ўқиш қобилияти йўқ)
	3 балл	Сенсомотор афазия
	4 балл	Нутқ алоқаси йўқ
	Пай рефлекслари	
	0 балл	Ўзгаришлар йўқ, рефлекслар сақланган, симметрик
	1 балл	Ўтиб кетувчи (вақтинчалик) анизорефлексия, рефлекслари ўртача даражада
	2 балл	Анизорефлексия, рефлекслари жонли
	3 балл	Анизорефлексия, рефлекслари суғ
6.	Кўрув органи	
	0 балл	Кўриш функцияси сақланган, кўз туби патологиясиз
	1 балл	Тўр ангиопатияси
	2 балл	Кўрув нерви дискининг димланиши (бошланғич даври, I-II даражаси), концентрик кўрув майдонининг ўртача қисқариши 5 ⁰
	3 балл	Гемиянопия (гомим, гетерим, биназал, битемпорал, темпорал), III даражали қон қўйилиши билан кечадиган кўрув нерви дискининг димланиши, қисман ёки тўлиқ кўрув нерви атрофияси, яққол концентрик кўрув майдонининг қисқариши 10-15 ⁰ ва ундан юқори
7.	Патологик симптомлар: менингеал симптомлар – энса мушакларининг ригидлиги, Брудзинский симптоми, Керниг симптоми	
	0 балл	Менингеал симптомлар йўқ (-)
	1 балл	Енгил ўзгаришлар (+)
	2 балл	Ўртача ўзгаришлар (++)
	3 балл	Яққол ўзгаришлар (+++)
8.	Патологик симптомлар: эпилептик тутқаноқлар	
	0 балл	Эпилептик хуружлар йўқ
	1 балл	Эпилептик хуружлар камдан кам, эс-хушини йўқотмайди
	2 балл	Эпилептик хуружлар камдан кам, эс-хушини йўқотади
	3 балл	Эпилептик хуружлар тез-тез, эс-хушини йўқотади
9.	Бош мия нервлари: 1-жуфт (n. olfactorius)	
	0 балл	Ҳид билиши сақланган
	1 балл	Дизосмия – ўтиб кетувчи (вақтинчалик) ҳид билиш сезгисининг бузилишлари. Гиперосмия – ўта ўткир ҳид билиши
	2 балл	Гипосмия – ҳид билишнинг сусайиши
	3 балл	Аносмия – ҳид билиш хусусиятининг йўқолиши
10.	Бош мия нервлари: 2-жуфт (n. opticus)	
	0 балл	Кўрув функцияси сақланган
	1 балл	Кўрув ўткирлигининг ўрта даражада пасайиши (VisOU=0,5-0,7), диплопия
	2 балл	Кўрув ўткирлигининг яққол даражада пасайиши (амблиопия)
	3 балл	Кўрлик (амавроз)

11.	Бош мия нервлари: 3-, 4-, 6-жуфтлари (n. oculomotorius, n. trochlearis, n. abducens)	
	0 балл	Кўз олмаларининг ҳаракати чекланмаган, кўз қорачиқлари кенглиги икки томондан бир хил
	1 балл	Қараш парези, енгил анизокория
	2 балл	Яқинлашувчи ва узоқлашувчи ғилайлик , птоз, полуптоз, бир томонлама мидриаз ёки миоз
	3 балл	Офтальмоплегия
12.	Бош мия нервлари: 5-жуфт (n. trigeminus)	
	0 балл	Сақланган
	1 балл	Мимика ва юз сезувчанлиги енгил бузилган (таъсирланган томондан),
	2 балл	Корнеал рефлекслар сусайган, трофик ўзгаришлар кузатилади
	3 балл	Чайнаш мушаклари параличи ва атрофияси
13.	Бош мия нервлари: 7-жуфт (n. facialis)	
	0 балл	Юзи симметрик
	1 балл	Лаб-бурун қатламаси яссилашган
	2 балл	Юз нервининг парези (марказий или периферик)
	3 балл	Юз нерви параличи
14.	Бош мия нервлари: 8-жуфт (n. vestibulocochlearis)	
	0 балл	Эшитиш қобилияти сақланган
	1 балл	Енгил гипокузия
	2 балл	Ўрта даражали гипокузия, нистагм (горизонтал, вертикал, ротатор)
	3 балла	Акузия (эшитиш қобилияти йўқолган)
15.	Бош мия нервлари: 9-, 10- жуфтлари (n. glossopharyngeus, n. vagus)	
	0 балл	Бузилишлар йўқ
	1 балл	Дизартрия
	2 балл	Дисфагия, дисфония
	3 ба	Афагия, афония
16.	Бош мия нервлари: 11-жуфт (n. accessorius)	
	0 балл	Бузилишлар йўқ
	1 балл	Бошни ён томонга бурилишининг чакланиши, елкалар кўтарилишининг бузилиши, куракларнинг умутрқа поғонасига яқинлаштиришнинг бузилиши
17.	Бош мия нервлари: 12-жуфт (n. hypoglossus)	
	0 баллов	Тилнинг тўлиқ ҳаракатлари сақланган, симметрик, тил оғиз бўшлиғининг ўрта чизиғида жойлашган
	1 балл	Тил фибрилляцияси
	2 балл	Тил девиацияси
	3 балл	Тилни девиацияси, тил ҳаракати чекланган
Интеграл нейроцереброшкала:		
Жами 17 кўрсаткич бўйича максимал балл – 50		

Беморларда патология оғирлигини баҳолаш учун 3 гуруҳ кўрсаткичларини ўз ичига олувчи клиник симптомлар комплексини танладик – умумий, умумий неврологик, локал неврологик.

Танланган кўрсаткичларнинг умумий сони 17ни, балларнинг умумий йиғиндиси 50ни ташкил қилди: умумий неврологик кўрсаткичлар: пай рефлекслари; кўриш органи; патологик симптомлар - менингеал симптомлар; патологик симптомлар - эпилептик тутқаноқлар; локал неврологик кўрсаткичлар -

12 жуфт бош мия нервларининг шикастланиш симптомлари шкалалар бўйича баҳолаш натижалари қуйидаги формула ёрдамида меъёрлаштирилди: олинган натижани шкаланинг максимал баллига бўлинди ва уни 100%га кўпайтирилди:

